

## КОНТАМИНАЦИЯНИНГ ТИББИЙ ЭПОНИМЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Ахмадjon Хасанович АБДУЛЛАЕВ

ўқитувчи

Андижон давлат тиббиёт институти

Андижон, Ўзбекистон

abdullaevahmadzon36@gmail.com

### Аннотация

Мақолада тиббий эпонимларнинг контаминация орқали шаклланиш хусусиятлари, уларнинг лингвистик жиҳатлари ва таржима муаммолари таҳлил қилинади. Инглиз ва ўзбек тилларидан олинган мисоллар асосида эпонимларнинг семантик қирралари ёритилади. Контаминация натижасида айрим эпонимларнинг синонимик қатор ҳосил қилиши ҳамда уларнинг халқаро тиббий терминологиядаги ўрни кўрсатилади.

**Таянч сўзлар:** тиббий эпоним, контаминация, таржима стратегияси, экзонимизация, калька, парафраз, вариантлик.

## ВЫРАЖЕНИЕ КОНТАМИНАЦИИ В МЕДИЦИНСКИХ ЭПОНИМАХ И ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА

Ахмадjon Хасанович АБДУЛЛАЕВ

преподаватель

Андижанский государственный медицинский институт

Андижан, Узбекистан

abdullaevahmadzon36@gmail.com

### Аннотация

В настоящей статье рассматриваются процессы формирования медицинских эпонимов посредством контаминации, их лингвистические особенности и проблемы перевода. На материале английского и узбекского языков раскрываются семантические характеристики эпонимов. Показано, что в результате контаминации некоторые эпонимы образуют синонимические ряды, а также определяется их место в международной медицинской терминологии.

**Ключевые слова:** медицинский эпоним, контаминация, стратегия перевода, экзонимизация, калька, парафраз, вариантность.

*Эпоним* (юнонча *επωνυμοσ* – “исм билан аталган”) – маълум бир шахс, жой, ҳайвон ёки машҳур тарихий давр номи бирор тушунча ёки объектга кўчиши натижасида ҳосил бўлган атамадир. Бу атама илмий адабиётларда тахминан 1833 йилдан бошлаб қўлланила бошланган.

*Тиббий эпонимлар* – олим, шифокор ёки бошқа шахс номи билан боғлиқ бўлиб, фанда биринчи марта аниқланган ёки кенг тарқалган касаллик,

синдром, рефлекс ёки физиологик жараёни англатадиган атамалардир.

Масалан:

*“Альцгеймер касаллиги”* – эслаш қобилиятининг йўқолишига олиб келувчи деменция тури, немис невропатологи ва психиатри Алоис Альцгеймер (*Alois Alzheimer, 1864–1915*) томонидан биринчи бўлиб аниқланган.

*“Паркинсон касаллиги”* – титраш, ҳаракатнинг секинлашиши ва мушак қотиши, инглиз врачлари Жеймс Паркинсон (*James Parkinson*) томонидан 1817 йилда тасвирланган.

*“Даун синдроми”* – ташқи қиёфа ва ақлий ривожланишдаги секинлик билан тавсифланувчи, хромосомал ўзгаришлар билан боғлиқ генетик ҳолат бўлиб, инглиз врачлари Жон Лэнгдон Даун (*John Langdon Down*) томонидан 1866 йилда тавсифланган.

Эпонимлар тизимида *контаминация* ҳодисаси муҳим лексик-семантик жараён сифатида намоён бўлади. Лингвистикада контаминация икки ёки ундан ортиқ атаманинг маъно ва шакл жиҳатдан аралашishi натижасида янги номнинг пайдо бўлиши ёки бир объект учун турли вариантли номланишларнинг юзага келишини англатади [1], [4]. Тиббий терминологияда эса контаминация синоним эпонимларнинг вужудга келишини таъминлайди ва клиник амалиёт ҳамда луғатларда бир касаллик учун бир нечта ном билан ифодаланишига олиб келади [5], [7]. Контаминация тилшуносликда турли сўзлар ёки бирикмаларнинг бир-бирига таъсири натижасида янги лексик бирлик яратиш жараёни сифатида тушунтирилади. Эпонимлар тизимида бу жараён икки ёки ундан ортиқ олим, шифокор ёки тадқиқотчи номининг бир атамада уйғунлашиши ёхуд бир касалликка турли номлар берилиши орқали намоён бўлади. Тиббий терминологияда бу жараён эпонимлар орқали яққол кўринади. Айрим касалликлар бир вақтнинг ўзида бир неча олим номи билан аталади ёки турли номлар бир-бирини тўлдириб қўлланилади.

Эпонимик фраземаларда, жумладан, тиббий эпонимларда контаминациянинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. *Семантик контаминация* – бир касалликнинг турли номлар билан ифодаланишида кўринади. Масалан, инглиз тилида *Lou Gehrig's disease – Amyotrophic lateral sclerosis (ALS) – Charcot's disease* атамалари бир ҳолатга тегишли бўлиб, ўзбек тилида ҳам *Лу Гехриг касаллиги – Амиотрофик латерал склероз – Шарко касалликлари* билан параллел равишда қўлланилади. Бу ҳолда турли таржима стратегиялари қўлланилади: *экзонимизация* (шахс исмини сақлаш), *калька* (илмий атамани тўғридан-тўғри таржима қилиш) ва *парафраза* (изоҳли таржима). Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, семантик контаминация тиббий номланишларда кўп номлиликни кучайтиради [8], [9].

2. *Морфологик контаминация* – суффикслар ва формантларнинг алмашиши билан боғлиқ. Масалан, *Hodgkin's disease ↔ Hodgkin lymphoma* ёки *Alzheimer's disease ↔ Alzheimer dementia* каби номлар ўзбек тилида *Ходжкин касаллиги ↔ Ходжкин лимфомаси, Альцгеймер касаллиги ↔ Альцгеймер деменцияси* сифатида қайд этилади. Бу ҳолатда асосий таржима стратегиялари сифатида экзонимизация, транслитерация ва тўғридан-тўғри таржима қўлланилади. Морфологик контаминация жараёни тиббий атамаларда вариантликни шакллантирувчи асосий омиллардан бири эканлиги тадқиқотчилар А.Зиёдуллаев [2] ва Е.Смирнова [6] ишларида ҳам қайд этилган.

3. *Синтактик контаминация* – атамаларнинг турли синтактик моделларда қўлланиши билан тавсифланади. Масалан, *Parkinson's disease – Parkinson disease – Parkinsonian syndrome* ва ўзбек тилида *Паркинсон касаллиги – Паркинсон синдроми – Паркинсониян синдром* вариантлари мавжуд. Шунингдек, *Pick's disease – Pick disease – Pick-type dementia* ўзбек тилига *Пик касаллиги – Пик деменцияси – Пик типидagi деменция* сифатида қўлланилади. Бу ҳолатда асосан экзонимизация ва калька стратегиялари

намоён бўлади. Лингвистик тадқиқотларда синтактик контаминация кўп номлилик билан узвий боғлиқ ҳолат сифатида баҳоланади [11], [10].

4. *Гибрид контаминация* – семантик ва морфологик ёки семантик ва синтактик ўзгаришларнинг бир вақтда юзага келишини англатади. Масалан, *Down's syndrome – Down syndrome – Trisomy 21* ўзбек тилида *Даун синдроми – Даун касаллиги – 21-трисомия* сифатида ишлатилади. Шунингдек, *Reiter's syndrome – Reactive arthritis* номлари ҳам гибрид контаминация намунаси бўлиб, ўзбек тилида *Рейтер синдроми – Реактив артрит* кўринишида қайд этилган. Бу турдаги контаминацияда барча таржима стратегиялари – экзонимизация, калька, тўғридан-тўғри таржима ва парафраза – аралаш ҳолда намоён бўлади. А.Зиёдуллаев [2] ва Б.Каримов [3] ишларида қайд этилганидек, гибрид контаминация тиббий атамаларда терминологик ноаниқликнинг асосий манбаи ҳисобланади.

**КОНТАМИНАЦИЯ НАТИЖАСИДАГИ СИНОНИМ ЭПОНИМЛАР**  
(инглизча ↔ ўзбекча)

КОНТАМИНАЦИЯ ТУРИ	ИНГЛИЗЧА ВАРИАНТЛАР	ЎЗБЕКЧА ВАРИАНТЛАР	ТАРЖИМА СТРАТЕГИЯ -СИ
Семантик	<i>Lou Gehrig's disease</i> ↔ <i>Amyotrophic lateral sclerosis (ALS)</i> ↔ <i>Charcot's disease</i>	Лу Гехриг касаллиги ↔ <i>Амиотрофик латерал склероз</i> ↔ Шарко касаллиги	Экзонимизация, калька, парафраза
Семантик	<i>Korsakoff psychosis syndrome</i> ↔ <i>Korsakoff</i>	Корсаков психози ↔ Корсаков синдроми	Экзонимизация, транслитерация
Морфологик	<i>Hodgkin's disease</i> ↔ <i>Hodgkin lymphoma</i>	Ходжкин касаллиги ↔ <i>Ходжкин лимфомаси</i>	Экзонимизация, калька

КОНТАМИНАЦИЯ ТУРИ	ИНГЛИЗЧА ВАРИАНТЛАР	ЎЗБЕКЧА ВАРИАНТЛАР	ТАРЖИМА СТРАТЕГИЯ-СИ
Морфологик	Alzheimer's disease ↔ Alzheimer dementia	Альцгеймер касаллиги ↔ Альцгеймер деменцияси	Экзонимизация, тўғридан таржима
Синтактик	Parkinson's disease ↔ Parkinson disease ↔ Parkinsonian syndrome	Паркинсон касаллиги ↔ Паркинсон синдроми ↔ Паркинсониян синдром	Экзонимизация, калька, транскрипция
Синтактик	Pick's disease ↔ Pick disease ↔ Pick-type dementia	Пик касаллиги ↔ Пик деменцияси ↔ Пик типдаги деменция	Экзонимизация, калька
Гибрид	Down's syndrome ↔ Down syndrome ↔ Trisomy 21	Даун синдроми ↔ Даун касаллиги ↔ 21-трисомия	Экзонимизация, калька, парафраза
Гибрид	Reiter's syndrome ↔ Reactive arthritis	Рейтер синдроми ↔ Реактив артрит	Экзонимизация, тўғридан-тўғри таржима

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тиббий эпонимларида контаминация жараёни асосан *эпоним ↔ клиник термин ↔ генетик атама* ўзаро алмашиши орқали содир бўлади. Ўзбек тилида эса вариантлик кўпинча *рус тили орқали кирган эпонимлар ва тўғридан-тўғри таржима қилинган клиник атамалар* таъсирида юзага келади. Демак, контаминация тиббий эпонимларнинг кўп номлилигига, терминологик ноаниқликка ва таржиманда турли стратегияларнинг қўлланилишига олиб келувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу жараён тил ва маданият ўртасидаги узвий боғлиқликни кўрсатади. У орқали янги номлар, синонимлар ва атамалар

яратилади. Контаминация тиббий эпонимларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди. У бир вақтнинг ўзида семантик бойлик, синонимия ва интернационаллашув жараёнларига сабаб бўлади. Ўзбек ва инглиз тилларида эпонимларнинг қиёсий таҳлили шундан далolat берадики, таржима жараёнида контаминациянинг таъсири муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Апресян Ю.Д. Избранные труды по лексикологии и семантике. – Москва, 1995.
2. Зиёдуллаев А.Р. Эпонимларнинг мавзуй таснифи. – Тошкент, 2005.
3. Каримов Б. Ўзбек тилида эпонимлар ва уларнинг таржима муаммолари. – Тошкент, 2018.
4. Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – Москва, 1961.
5. Лейбович А.Н. Медицинская терминология: история и современность. – Санкт-Петербург, 2004.
6. Смирнова Е.В. Эпонимы в медицинской терминологии: лингвистический анализ. – Москва, 2017.
7. Zirmunsky, V. Contamination in word formation. – Moscow, 1962.
8. Murphy L. Lexical meaning and synonymy in medical terminology. – Oxford, 2010.
9. Bowker L. Terminology and translation in specialized discourse. – Toronto, 2015.
10. Adrian B. Synonymy in medical eponyms: A linguistic perspective. – Berlin, 2012.
11. Dirks J. Naming patterns in medical eponyms. – Cambridge, 2018.